APS
C 34



Отдых



АСАРЛАР

VI ЖИЛДЛИК

ҒАФУР ҒУЛОМ
НОМИДАГИ
АДАБИЁТ ВА САНЪАТ
НАШРИЁТИ

Тошкент—1974

821.512.133-1
O-21

Муҳаммад Ризо Широв Эрниёзбек ўғли Отаҳчий

TOSHKENT SHAHAR YASHIL-OBOD TUMANI
AXBOROT-KUTUBXONA MARKAZI
8449

АСАРЛАР

1-ЖИЛД

ТАРЖИМАЛАР

Уз
0 21

Нашрга тайёрловчи
ҒУЛОМ КАРИМОВ

Масъул муҳаррир
СУБУТОЙ ДОЛИМОВ

Огаҳий Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли.
Асарлар. 6 жилдлик. (Нашрга тайёрловчи Ғ. Каримов. Масъул муҳаррир С. Долимов.) Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974.
Жилд 3. Таржималар. 1974. 337 б.

Огаҳий «Асарлар»ининг учинчи жилдига тожик адабиёти классикларидан Абдураҳмон Жомийнинг «Юсуф ва Зулайхо» ва Ҳилолийнинг «Шоҳ ва Гадо» достонларининг таржималари киритилган. Юсуф ва Зулайхо севгиси ҳақидаги машҳур афсона биринчи достонга асос бўлганидек, севгининг фалсафий талқинига кўра, кейинги достон ҳам аввалгисига муштаракдир.

Огахи Мукаммад Ризо. Сочинения. В 6 томах.
Т. 3.

Уз1

7—4—3—195 105—74
А—М—352—06—74

ОГАҲИЙНИНГ БАДИИЙ ТАРЖИМАЛАРИ

Огаҳий асарлар тўпламининг ушбу учинчи жилдига унинг бадиий таржималаридан «Юсуф ва Зулайхо» ҳамда «Шоҳ ва Гадо» киритилди.

Маълумки, адабиётимиз тарихида Огаҳий буюк талант эгаси бўлган шоир сифатида танилиб қолмай, моҳир таржимон сифатида ҳам шуҳрат қозонди. У йигирмага яқин асарларни таржима қилди. Улар ичида «Равзатус сафо», «Газкираи Муқимхоний», «Табақоти Акбаршоҳий» каби тарихий-илмий, «Ахлоқи Муҳсиний», «Насиҳатномаи Кайковус» каби ахлоқий-дидактик асарлар баробарида Шарқ адабиётининг улуғ классикларидан Низомий, Саъдий, Амир Хисрав Деҳлавий, Жомий ва бошқалар яратган ўлмас бадиий асарлар ҳам бор. Шуларнинг бири қардош тожик халқининг улуғ шоири Абдураҳмон Жомий томонидан яратилган «Юсуф ва Зулайхо» достонидир.

«Юсуф ва Зулайхо» Шарқ адабиётида Искандар, Баҳром, Фарҳод ва Ширин, Вомиқ ва Узро, Лайли ва Мажнун каби кенг тарқалган, қайта-қайта қаламга олинган машҳур сюжетлардан биридир. Гўзал Юсуф тўғрисидаги ривоят биринчи мартаба яҳудийларнинг муқаддас диний китоби «Таврот»да учрайди. Бу сюжет ундан «Қуръон»га кўчган.

Лекин дастлаб диний афсона тарзида майдонга келган бу ривоятлар кейинчалик улуғ санъаткорлар диққатини ўзига жалб этган ва турли формада назмий ва насрий йўлда ишланиб, бадиий асарлар яратилган. Навоий ҳам мазкур афсонага асосланиб, буюк ёзувчиларнинг ажойиб достонлар яратгани ҳақида маълумот бериб дейди: «Юсуф қиссаси андин машҳурроқдурким, эҳтиёж анинг тафсилиға бўлғай, невчунким ғаробати ва ширинлиги учун кўб акобир ҳам назм ва ҳам насрнинг шарҳ асбобин тузубтурлар ва баёнида сеҳрлар кўргузубтурлар». Натижада ёзма адабиётдан мустаҳкам ўрин олиб қолган «Юсуф ва Зулайхо» сюжетини ёзма адабиётда биринчи бўлиб ишлаган ва ажойиб шеърий достон яратган киши X асрнинг улуғ санъаткори Абулқосим Фирдавсий (934—1020) бўлди. Фирдавсийдан кейин бу сюжетга кўп сўз усталари мурожаат этдилар ва қатор асарлар яратдилар. XI асрда Бухорода яшаб ижод қилган шоир Шаҳобиддин Амъақни «Юсуф ва Зулайхо» номи билан катта достон ёзгани маълум. Бу тема адабиётда сўнгги асрларгача яшаб келди. Шу жумладан, XIX аср прогрессив шоири Жунайдулла Ҳозиқнинг «Юсуф ва Зулайхо» достонини кўрсатиш мумкин.

«Юсуф ва Зулайхо» сюжети туркий тилда ҳам жуда эрта ишлана бошланди. Ўзбек адабиётида бу темага биринчи мурожаат қилган киши шоир Али бўлди. Али 1233 йилда «Қиссаи Юсуф» асарини яратди. XIV асрнинг бошларида эса (1310 йил) Носириддин Бинни Бурҳониддин Рабғузий ўзининг «Қиссасул анбиё» асарида «Юсуф ва Зулайхо» сюжетига алоҳида ўрин берган XV аср бошларида эса бу темани талантли шоир Дурбек қаламга олди ва «Юсуф ва Зулайхо» номи билан катта достон яратди. Бу машҳур тема билан ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳам қизиқди. Ҳамза «Юсуф ва Зулайхо» темасида ахлоқий-дидактик характерда кичик бир ҳикоя ишлаб, уни ўзининг мактаб учун ёзган «Қироат китоби»га (1915) киритди.

Огаҳий таржимаси учун асос қилиб олинган Жомийнинг «Юсуф ва Зулайхо»си форс-тожик ва туркий тилларида бу темада ёзилган асарларнинг энг мукаммали, айни замонда, бадиий жиҳатдан энг кучлиси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Жомий қалами билан яратилган «Юсуф ва Зулайхо» достони Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари орасида кенг тарқалган ва фавқулодда шуҳрат қозонган эди. Бу асарнинг кенг халқ ўртасида бундай катта эътибор қозонишининг сири шунда эдики, Жомий бу сюжет орқали ҳаёт ва инсон ҳақида, инсоннинг турмушдаги ўрни ва бурчи ҳақида ўзининг улуғ гуманистик идеалларини ажойиб ёрқин образларда, рангдор ва бўёқдор эпизодларда зўр маҳорат билан сўзлаган эди. Жомий яратган «Юсуф ва Зулайхо» достони афсонада бўлган диний-илоҳий сафсаталардан тамом холи бўлиб, бутунисича инсонни улуғлаш, инсон туйғу-ҳисларини тараннум этиш, айниқса ундаги азиз ва муқаддас бўлган муҳаббат кечинмаларини мадҳ этишга қаратилгандир. Жомийнинг «Юсуф ва Зулайхо» достони инсон ва муҳаббат мадҳига бағишланган гўзал адабий обидадир.

Огаҳий ўз таржимасида Жомийнинг «Юсуф ва Зулайхо» достонининг ғоявий асосларини тўлиқ сақлаб қолди, бадиий хусусиятларини ажойиб талант ва маҳорат билан ўзбек тилида акс эттирди. Гарчи Огаҳийнинг таржима услуби ва методи ҳозирги замон таржима усулидан маълум даражада фарқ қилса ҳам, лекин асарнинг асосий ғоявий-бадиий хусусиятлари ўзгармайди, асар қийматига путур етмайди. Аксинча, Огаҳий ўзининг зўр бадиий истеъдоди орқасида оригиналдан ҳеч бир жиҳатдан қолишмайдиган ўзбекча вариантларни яратишга муваффақ бўлади. Огаҳий таржимада қўллаган бу усулини, яъни оригиналга максимум яқинлашиш усулини «Шоҳ ва Гадо» достонидаги «Бу қисса таржимасининг боиси» сарлавҳали бобда қуйидаги мисраларда таъкидлаб, гўё ўзини Ҳилолийнинг хат битувчи қўли («эли») ёки сўзлагувчи тили деб ҳисоблайди:

Борча сўзким дедим, онинг сўзидур,
Мен демайким, дегон онинг ўзидир.

Гўиё мен онинг тилидурмен,
Тутғоли хомани (нг) элидурмен.

«Шоҳ ва Гадо» таржимаси тўғрисида айтилган бу сўзлар ҳамма достонларга ҳам алоқадор бўлиб, Огаҳий бадиий таржималарининг

ижодий усулидан дарак беради. Бу усулнинг энг муҳим белгиси оригиналга ҳурмат, садоқат билан қараш ва унинг асосий мазмунини бузмай сақлашга интилишдан иборатдир.

Огаҳий асарлар тўпламининг мазкур учинчи жилдига кирган иккинчи достон «Шоҳ ва Гадо» тожик халқининг талантли шоири Бадриддин Ҳилолий қаламига мансубдир. Ҳилолий, тахминан, XV асрнинг 70-йилларида Астрободда туғилиб, 1490 йиллар атрофларида Ҳиротга келди ва Алишер Навоий, Жомий бошчилик қилган адабий ҳаётда уларнинг кичик замондоши сифатида фаол иштирок этди. Алишер Навоий Бадриддин Ҳилолий исми ва тахаллусига ишора қилар экан, уни «ҳилол» (ярим ой, янги ой) эмас балки «бадри» (тўлин ой) деб, унинг бадиий талантига юқори баҳо берган эди. Бадриддин Ҳилолийнинг ижодий меросида девон шаклида тўпланган лирик шеърларидан ташқари достонлар бор: «Сифотул ошиқин», «Лайли ва Мажнун». «Шоҳ ва Гадо» ёки «Шоҳ ва Дарвеш» номлари билан юритиладиган асар унинг биринчи достони бўлиб, у 1508 йилдан аввал ёзилгандир. Достон аслида 28 бобдан иборат бўлиб, 2288 мисра шеърни ўз ичига олади. Огаҳий достоннинг асосий бобларини тўлиқ сақлагани ҳолда таржиманинг хусусиятларини баён қилиб, яна бир неча боб ўзидан («Бу қисса таржимасининг боиси» «Бу каломи хужаста фаржом хатму тавфиқининг шукргузорлиқи...») қўшади. Ўзбекча таржимада 30 бобдан иборат бўлган «Шоҳ ва Гадо» достонининг баъзи традицион мукаддима бобларини тушириб қолдиришни ва асосий вокеани баён қилувчи боблар (27 боб)ни сақлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик.

«Шоҳ ва Гадо» достонининг темаси ва ғоявий йўналиши ҳақида шуни айтиш керакки, Шоҳ ва Гадо мотиви, улар ўртасидаги турли вариантларда талқин этиладиган можаролар Шарқ адабиётида машҳурдир. Унинг бир неча кўринишлари Алишер Навоий ижодида ҳам учрайди. Шу жумладан, «Садди Искандарий» достонида доно ҳукмдор ахтарган Искандар билан истигноли гадо ўртасида бўлиб ўтган ибратли суҳбатни баён қилувчи ҳикоя келтирилади.

«Шоҳ ва Гадо» сюжети Ҳилолийдан илгари ҳам ишланган. Лекин бу сюжетни зўр маҳорат билан бадиий қолипга солган ва унутилмас адабий ёдгорлик сифатида уни авлодларга қолдирган моҳир санъаткор Бадриддин Ҳилолий бўлди.

Ҳилолий ўз достонида XV аср жамияти учун характерли бўлган икки катта идеяни илгари суради. Уларнинг бири халқ орзу-истакларидан кенг ўрин олган адолатли шоҳ, инсон ва мурувватли ҳукмдор идеяси бўлса, иккинчиси инсон эркн ва ҳуқуқи, инсон кечинмаларининг ҳур ва озод бўлиши ҳақидаги гуманистик тушунчадир.

Ҳилолий достонининг бадиий-эстетик асосларини ташкил қилган бу икки илғор идея Огаҳий кайфияти ва дунёқараши учун ҳам яқин ва ошно эди. Огаҳий таржимада достоннинг бу етакчи мотивларига алоҳида диққат ва эътибор билан қарайди ва ҳамма бадиий имкониятлардан фойдаланиб, уларни таъкидлаб кўрсатади.

Шоҳ ҳукмронлик тахтига ўтирар экан, унинг отаси васият қилиб, адолатли ва инсофли ҳукмдор бўлишни уқтирган эди:

Адл ила мамлакатға султон бўл,
Зулмдин доимо гурезон бўл.
Токи, сандин улус тотиб роҳат,
Кўрмасун меҳнату ғаму кулфат...

Фақрдин кимки топди огаҳлиғ,
Қилмади майли шавкати шаҳлиғ...

Ким келиб даргоҳингга дод этса,
Талаби соҳиби мурод этса,

Юзига гул киби табассум қил,
Яхши сўзлар била такаллум қил.

Огаҳийнинг таъкидлаб кўрсатишича, Шоҳ отаси уқтиргандан ҳам ортиқроқ адолатли ва намунали ҳукмдор бўлди:

Бўлди Хусравға жонишин чун шоҳ,
Топти ҳаддин энёда давлату жоҳ.

Адлу эҳсон йўлиға қўйди қадам,
Халқни қилди хушдилу хуррам.

«Одил шоҳ» ҳақидаги Ҳилолий ва Огаҳий томонидан куйланган олижаноб бу орзу-умидлар ўша давр реал тарихий шароити учун фантастик ва утопик характерда бўлишидан қатъи назар катта социал қийматга эга эди. Зеро, бу идеяларнинг ижтимоий илдизлари кенг халқ оммаларининг озодлик йўлида олиб бораётган кураш ва интилишларига бориб боғланади, улар психологиясини ўзида акс эттиради.

Ҳилолий достонида илгари сурилган иккинчи идея — инсон эрки ва ҳуқуқи масаласи ижтимоий идеал бўлиши эътибори билан ниҳоятда ҳаққоний, прогрессив-гуманистик бўлгани ҳолда, бу идея достонда жуда ҳам табиий чиқмаган. Бунда Ҳилолий Шоҳ билан Гадо — Дарвеш ўртасидаги муҳаббатни куйлаб, сюжетнинг традицион қолип доирасида чекланиб қолган. Натижада сюжет тўқимасидаги воқеалар оқими бирмунча заиф ва туманли чиққан. Ҳатто буни достон персонажларидан бири («Рақиб») хатти-ҳаракатларида ҳам кўриш мумкин. Достон воқеаларидан маълумки, салбий персонаж Рақиб Шоҳ билан Гадо ўртасидаги алоқаларга шубҳа билан қараб, достон қаҳрамонларидаги поклик ва самимийликка ғубор етказади. Шоҳ билан Гадо ўртасидаги муносабатлар атрофида туғилган шундай шубҳали қарашлар ғуборидан достонни қутқариш мақсадида Ҳилолий ва унинг изидан Огаҳий достон замирида ётган мазмун пок эканини, «Шоҳ билан Гадо» муносабатлари юксак инсоний туйғуларга эга бўлган самимий дўстлик муносабатлари эканлигини қайта-қайта таъкидлаб ўтадилар:

Байти гар камдурур манго ғам эмас,
Яхши мазмуни, шукрким, кам эмас.

Соф мазмуни меҳрдек зоҳир,
Тонг эмас қилса майл анго хотир.

«Шоҳ ва Гадо» достони юксак ижтимоий идеалларни тараннум қилган, инсонлар ўртасида самимийлик, дўстлик, пок муҳаббат каби олижаноб туйғуларнинг барқарор бўлишини тарғиб қилган ўтмишнинг юксак бадиий дурдоналаридан биридир.

Ғ. Каримов,
С. Долимов.

АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ

Юсуф ва Зулайхо

ЮСУФ ЖАМОЛИ ДОСТОНИН ШАМЪИН ШАВИСТОН АЙНИДА ЁНДУРМОҚ ВА БАНИ ОДАМ КЎНГЛИ ПАРВОНАСИН УЛ ШУЪЛА МУШОҲИДАСИДА КУЙДУРМОҚ

Олорким эрдилар баҳри маоний,
Ўқуб авроқи ваҳйи осмоний.

Жаҳон таърихини қилғонда оғоз,
Бу навъ ўлдилар Одамдин хабарсоз-

Ки, чун чашми ниҳонбини очилди,
Онго авлоди барча жилва қилди.

Тамоми анбиё сафлар тузуб чуст,
Оёқ устида ҳар саф юрдилар руст.

Туруб ҳар жонибида авлиё ҳам,
Тузуб ўз ерларида сафни маҳкам.

Яна бир ёнида мажмуи султон,
Тузуб сафлар, қилиб шавкат намоён.

Яна ҳам саф-басаф ўзга халойиқ,
Юруб тартиб ила ҳолиға лойиқ.

Назар айлаб ҳамул мажмуъға Одам,
Томошо қилди бир-бир барчасин ҳам.

Анго Юсуф кўрунди ўйлаким моҳ,
Демай маҳ, меҳри авжи иззату жоҳ.

Қуёшдек барчадин ҳусн ичра мумтоз,
Ҳамул жамъ ичра шамосо сарафроз.

Қошида ўзгалар ҳусни бўлуб гум,
Онингдекким, қуёш оллида анжум.

Эрур эгнида дилбарлик ридоси,
Ридопўш эл қилиб жонин фидоси.

Камоли ҳуснига андиша етмай,
Жамеи ақли фикратпеша етмай.

Танида хилъати лутфи илоҳи,
Бошида тожи фарри подшоҳи.

Жабини матлаи субҳи саодат,
Қилиб ғайбат шабин рўзи шаҳодат.

Пасу пеш анбиёи софидрок,
Туруб жисми ғуборидин бўлуб пок.

Ҳама арвоҳи қудсий бекаму кост,
Чекиб барча аламларни чабу рост.

Чиқиб ҳам ғулғули тасбиҳу таҳлил
Тўлуб бу хонақоҳи меҳри қандил.

Ҳамул жоҳу жалол Одам чу кўрди,
Савол айларга тил мундоқ эвурди-

Ки: «Ёраб, бу қаю гулшан гулидур?
Ва ё қайси киши жоми мулидур?

Анго қайдин етушмишдур бу давлат,
Жамолу жоҳу иззу зебу зийнат?»

Нидо келдики: «Фарзандинг санинг ул,
Кўзунг нури, жигарбандинг санинг ул.

Эрур Яъқуб боғининг ниҳоли,
Халилуллоҳ даштининг ғизоли.

Чекиб кайвонга бош айвони жоҳи,
Жаҳонда Миср мулки тахтгоҳи.

Юзида хўблуқ нури аёндур,
Ҳама хўблар — жасад, ул онда жондур.

Юзунгнинг ул эрур ойинадори,
Сен эт ганжинг дурин онинг нисори».

Деди: «Ҳусним қилиб уч саҳм ойирдим,
Анго ондин ики саҳмини бердим.

Ики ҳиссасин онинг Юсуф олсун,
Бириси ўзга дилбарларга қолсун».

Бу сўз деб чекти они сийнасиға,
Демой сийна, дили бекийнасиға.

Они ўз меҳридин айлар хабардор.
Қучуб монглойидин ўпти падарвор.

Билиб фарзанд они гулдек очилди,
Дуолар сидқ ила ҳаққида қилди.

ЮСУФНИНГ ЖАМОЛИ НИҲОЛИН ҒАЙБ БАҲОРИСТОНИДИН ҲУЗУР БОҒИҒА КЕТУРМАК ВА ЯЪҚУБ КЎЗЛАРИ СУЙИ. ЗУЛАЙХО КУНГЛИ ҲАВОСИ ВА ШАМОЛИ БИЛА ПАРВАРИШ ВЕРМАК

Бу навбатгоҳдаким, йўқ ҳеч фурсат,
Қоқар навбат била ҳар кимса навбат.

Зуҳур айлар ҳақиқат ҳар замонда,
Бўлур бир исм нурафкан жаҳонда.

Агар оламға бир навъ ўлса дастур,
Қолур эрди ҳама анвоъ мастур.

Фалакдин бўлмаса хуршид агар гум,
Қачон равнақ топар бозори анжум?!

Чамандин боғламас гар юк зимистон,
Баҳор ўлғайму, гул бўлғайму хандон?!

Адамға бўлғоч Одамнинг хироми,
Бил, ўлди Шис онинг қойим мақоми.

Чу ул ҳам кетти, Идрис келди,
Демакка дарс доим майл қилди.

Жаҳондин бўлди чун Идрис фони,
Келиб Нуҳ ўлди онинг посбони.

Ғариқ ўлғоч фано тўфониға Нуҳ,
Бу боб ўлди Халилуллоҳға мафтуҳ.

Чу холи колди ондин қасри офоқ,
Маконида онинг ўлтурди Исҳоқ.

Адам даштиға ул чун бўлди раҳкўб,
Ўзин чекти онинг ўрниға Яъқуб.

Чу Яъқуб итти етгач онга навбат,
Ҳудуди Шомдин Канъонға суръат.

Ватан Канъонда тутғоч ул хирадманд,
Анго асру кўполди молу фарзанд.

Қўю эчкуси бўлди пода-пода,
Ҳамул водий аро ҳаддин зиёда!

Топиб Юсуфдин ўзга ўн бир авлод,
Вале Юсуфдин эрди жони обод.

Адамдин келди учун Юсуф жаҳонға,
Буродар бўлди моҳи осмонға.

Кўнгул боғида қад чекти ниҳоле,
Кўрунди жон спеҳрида ҳилоле.

Халилуллоҳ гулзорида ногоҳ,
Очилди бир гули марғуби дилхоҳ.

Туғуб Исҳоқ буржидин бир ахтар,
Жаҳон аҳли кўзин қилди мунаввар.

Қилиб лола аён Яъқуб боғи,
Ҳамул марҳам, ҳамул Яъқуб доғи.

Ғизоледурки атрафзои Канъон,
Бўлуб ондин Хўтан саҳрои Канъон.

Оноси то тирик эрди хўришлар —
Бериб, жонидин этти парваришлар.

Ики ёши аро кирганда ногоҳ,
Лаҳад бўлди оносиға ватангоҳ.

Онодин қолиб ул дурри ягона,
Етим ўлди, чекиб жаври замона.

Ото чун кўрди ҳоли гавҳарини,
Садаф қилди канори хоҳарини.

Чу топти аммасидин парваришлар,
Ебон жони наботидин хўришлар.

Қадиға етти хушрафторлиғлар,
Лабиға ҳам шакаргуфторлиғлар.

Бўлуб амма онингдек меҳрибони-
Ки, банд эрди анго кўнглию жони.

Тун ўлса жон киби қўйнида эрди,
Кун ўлса меҳрдек бўйнида эрди.

Отоси ҳам мудом истаб юзини,
Ойирмас эрди юзидин кўзини.

Бўлуб шавқида беорому мискин,
Кўруб гоҳ-гоҳ топмас эрди таскин.

Тилар эрдики, ул моҳи дилафрўз,
Кўзининг олдида бўлса шабу рўз.

Деди хоҳарға: «Эй фархунда афъол,
Сенинг ҳолинг кибидур ҳам манга ҳол-

Ки, Юсуф фурқатиға тоқатим йўқ,
Халос эткил фироқидин мани-ўқ.

Йиборгил они хилватгоҳим ичра,
Тутай жондек дили огоҳим ичра».

Чу онинг бу сўзин хоҳар эшитти,
Бўлуб ночор ондин бовар этти.

Вале оқиб ҳасад ашки юзига,
Бу янглиғ айлади жазм ўз-ўзига-

Ки, макру ҳийлани ўртоға солғай,
Онинг бирла они ҳам қайтиб олғай.

Қўлида бор эди бемислу монанд,
Бани Исҳоқдин қолған камарбанд.

Они гар боғласа белга ҳар одам,
Жаҳон офотидин кўрмас эди ғам.

Йиборур чоғда Юсуфни отоға
Узотиб илгини макру дағоға.

Камарбандини олиб чобуку чуст,
Ниҳон Юсуф белига боғлади руст.

Ул ишни айлади ондоқ ниҳони-
Ки, Юсуф қолди асло билмай они.

Белин боғлаб отосига йиборди,
Сўнггидин бу сифат афғон кўтарди-

Ки: «Йўқ бўлмиш камарбанди ниҳоним,
Бори эл ҳақида бордур гумоним».

Тутуб ул ерда ҳозир халқ элини,
Боқор эрди очиб жайбу белини.

Чу Юсуфға етушти навбат охир,
Белин очиб камарни қилди зоҳир.

Ким ўлса ул замондин аҳли миллат,
Анго мундоқ эди ҳукми шариат-

Ки, ҳар ким молин олса ўғри, дарҳол —
Қилур эрди они қул, соҳиби мол.

Бу янглиғ ҳийла бирла амма ўлон,
Уйига элтти Юсуфни осон.

Кўруб юзин неча кун шод бўлди,
Анго охир ажал еттию, ўлди.

Анго Яъқуб бўлди шоду хуррам-
Ки, кетти кўнглидин андуҳ ила ғам.

Томошогоҳи Юсуф сори юрди,
Бори ўғлонларидин юз эвурди.

Эди Юсуф ила ҳар кори оғинг,
Қизиб Юсуф била бозори оғинг.

Эди Юсуф дилу жони, сурури,
Эди Юсуф ики кўз ичра нури.

Бале, ҳар ердаким бор ул сифат моҳ,
Қуёш эрса ҳам онда топмағой роҳ.

Деолмон сўз қадду пайкаридин-
Ки, аъло эрди юз ҳуру паридин.

Эди чархи латофат авжида ой,
Шабистони жаҳонға зийнатафзой.

Дема ой, балки равшан офтоб ул,
Солиб кавну маконға нури тоб ул.

Дема они жамол ичра қуёш ҳам-
Ки, ҳақ нури эди бўлғон мужассам.

Чу пок эрди анго сар то қадам зот,
Бўлубдур халқ аро Юсуф анго от.

Чу Яъқуб этти ишқин жонда пинҳон,
Тонг эрмас ўзгалар қилса намоён.

Зулайхоким қуёш эрди жабини
Жалолат қасрининг парданишини.

Они кўрмайдур эрди гарчи бедор,
Тушида кўрдию бўлди гирифтор.

Йироқ элга чу етса ишқидин ўқ,
Ёвуқлар сайд агар бўлса ажаб йўқ.

TOSHKENT SHAHAR ASHUROOT MAN IZAHNOMA AXBOROT 8494

ЗУЛАЙХОНИНГ СИФАТ ВА НАСАБИГА ЖАМОЛИ ОФТОБИ БИЛА МАҒРИБ МАШРИҚ БЎЛҒОН, БАЛКИ МИНГ ДАРЖА ОНДИН ЎТГОН

Бу янглиғ деди донои сухансанж-
Ки, маъни дурриға кўнгли эди ганж-

Ки, Мағриб мулкида бор эрди шоҳе,
Оти Таймус, соҳибдастгоҳе.

Анго бўлуб бори асбоб ҳосил,
Эди иқболидин комиға восил.

Бошидин тож ўлуб, иззатда мумтоз,
Оёқи бирла тахт ўлғон сарафроз.

Фалак белини боғлаб хизматида,
Зафар эрди мулозим ҳазратида.

Бор эрди бир қизи раъною зебо,
Жамол аҳли аро оти Зулайхо.

Дема қиз, дуржи исмат гавҳари, де,
Шаҳаншаҳлиқ спеҳри ахтари де.

Баён ҳадди эмас васфи жамоли,
Кўнгулга келгуси маҳзи хаёли.

Менингким тангдур заъф ичра ҳолим,
Кетурмакликка тилга йўқ мажолим.

Ва лекин лаъли нўшидин ионат—
Тилаб, васфини қилғумдур ҳидоят-

Ки, ҳусни келди боғистони жаннат,
Қадидур онда бутгон нахли раҳмат.

Саодат мавсуми фасли баҳори,
Баҳори салтанатдур обёри.

Сочи эл бошиға солиб қаро шом,
Ейиб жонлар қуши қасдиға ҳам дом.

Нечаким мўшикоф ар бўлса шона,
Ҳамул тун субҳидин топмас нишона.

Бўлуб юз пора ондин нофаға дил,
Ҳам ондин мушкка иш бўлди мушкил.

Ики гисуи ҳиндуя расансоз,
Бўлуб шамшод оллида расанбоз.

Фалак дарси жамол айларда талқин,
Қилибдур жабҳасидин лавҳи сиймин.

Ҳамул лавҳ устида ҳам ёзди вожун,
Ажаб ҳайъат била мушкин ики нун.

Ул ики нуннинг остида ики сод,
Ёзибдур сунъи килки бирла устод.

Ҳамул нун ҳаддидин то ҳалқаи мим,
Алиф чекти бурундин хўб таълим.

Алифга келтуруб сифрин даҳоннинг,
Бирин ўн айлаб ошуби жаҳоннинг.

Лаби хандондин айлаб жилвагар сиң,
Тиш ила мим ақдин очти таҳсин.

Юзидур боғи жаннатдин намуна,
Очилғон онда гуллар гуна-гуна.

Кўрунгон холлари ҳар сори онда,
Эрур ҳинду бачалар гулситонда.

Занахдонеки, зоҳир айламиш чоҳ,
Чекор онда кўнгул бўлғунча огоҳ.

Кўнгул ғабғаб тубига топса гар йўл,
Чиқа олмоқ йўқ ондин то абад ул.

Бўлур маъдум ҳам ноёб онда-
Ки, ҳам бор чоҳ, ҳам гирдоб онда.

Эрур бўйи мусаффо ўйлаким ож,
Олур оҳулар ондин бўйнига бож.

Латиф илги уруб таъна суманга,
Етурмиш нури байзо пираҳанга.

Ики пистони икки қуббаи нур,
Ва ё ики ҳубоби баҳри кофур.

Ва ё бир шох уза ики анор ул,
Олиб кўргандин орому қарор ул.

Қилиб ғорат дамодам тожу дайҳим,
Ики соид нигин қилмиш тўла сийм.

Кафи роҳатфизои аҳли олам,
Қўюб ҳар кимда бўлса захм-марҳам.

Олиб илкига бормоқдин қаламлар,
Кўнгулларда қилиб меҳрин рақамлар.

Кўнгуллар ичра тирноғи хаёли —
Латофат авжининг бадру ҳилоли.

Уюб беш бармоқидин ойға панжа,
Қилиб ул панжа зўри ойни ранжа.

Бели нозиклик ичра ўйлаким қил —
Демай, нозик эрур қилдин доғи, бил.

Агар банд айласа қилдин камар ҳам,
Анго бор эрди синмоқ бими ул дам.

Мусаффо қорни сутдин ҳам эрур оқ,
Мулойимлиқ аро ондоққи қаймоқ.

Сурини эрди тоғи сийму зардин,
Ошоқ тушмиш эди лекин камардин.

Хамиросо саросар эрди юмшоқ,
Ботор эрди анго гар етса бармоқ.

Ва лекин киндикидин тизга тегру,
Демон сўз, ул манго пинҳондур асру.

Ҳисоредурки бас маҳфуздур ул,
Ҳамул ён йўқтурур андишага йўл.

Дегумдур соқи васфинким нечўкдур,
Сутуни сиймдурким, бас буюкдур.

Сутун эрмас, эрур гулдастаи нур,
Вале ҳар бебасардин эрди мастур.

Сафосин чун онинг оина кўрди,
Келиб олдиға тиз узра ўтурди.

Юзидин оина касб этти чун нур,
Бўлуб ҳамзону ўзни топти масрур.

Анго ҳар кимки ҳамзону ўтургай,
Рухи давлат ҳамул кўзгуда кўргай.

Қадам эрди мусаффо соқидин ҳам,
Анго лутф ичра йўқ асло муқаддам.

Қадам ҳар сори қўйса чусту чобук,
Ақабдин кўрунуб то панжа нозук.

Агар ошиқ кўзида айласа жой,
Бўлур ашки била пуробила пой.

Зару зевар сўзин не навъ зоҳир —
Қилайким, ондадур идрок қосир.

Нечук зевар била васф айлай они-
Ки, ҳуснидин топар зевар сафони.

Тўла гавҳар бошида афсар эрди-
Ки, ҳар бири хирожи кишвар эрди.

Қулоғидин осилғон лаълу гавҳар,
Олиб жону кўнгул ҳушин саросар.

Мусаффо бўйнида турлук жавоҳир,
Қилиб жайби аро юз ганж зоҳир.

Мурассаъ мўйбанд эрди қафода,
Фузун юз иқди гавҳардин баҳода.

Тутуб нозик қўлин заррин суворн,
Бориб кўрган киши сабру қарори.

Азиз ўлса нетонг, халқ олдида зар,
Бўлуб халхол оёқдин қилди дарбар.

Эди қасри ҳаё маснаднишини,
Музайян маснади дебои чини.

Кийиб эгнига ҳулла неча алвон,
Бўлуб ҳуснига банда ҳуру ғилмон.

Бўлуб ҳар кун либоси тозаю нав,
Солиб ҳар кун жаҳонга тоза партав.

Юзи ойики жайбидин бўлур фош,
Чекар ҳар кун аро бир бурждин бош.

Оёғин чекмайин хилватсародин,
Эди фориғ онинг кўнгли ҳаводин.

Ҳаводор ўлғон элга бермайин тан,
Анго иффат ниқоби эрди маскан.

Сиҳиқадлар анго эрди ҳаводор,
Парирўлар кеча-кундуз парастор.

Симинбарлар ҳама шўху мулойим,
Хамиша хизматида эрди қойим.

На бирига солиб ҳаргиз кўзини,
На бирига қилиб мойил ўзини.

Бирига бўлмади маъшуқу ошиқ
Ўзига кўрмади ул ишни лойиқ.

Кеча наргис масаллик айлаб уйқу,
Саҳар гулдек туруб хандону хушбў.

Қилиб кундузда лўъбатсозлиғлар,
Эди ойини лўъбатбозлиғлар.

Вале фориғки, даври чархи даввор,
Анго қилғай ажаб лўъбат намудор.

Ҳамиша хурраму дилшод эрди,
Мудом ул қайғудин озод эрди-

Ки, бошиға на ишни солғой айём,
На лўъбат зоҳир этгай пардаи шом.

ЗУЛАЙХОНИНГ АВВАЛ НАВБАТ ЮСУФ ЖАМОЛИ ОФТОБИН ТУШ ҒИЛОФИДА КЎРМОҒИ ВА УЛ ҒИЛОФДА НУҚТА ВА НИҲОН ТИР БИЛА ИШҚНИНГ КУШТАСИ БЎЛМОҚИ БАЁНИ

Тунеким эрди дилкаш субҳосо,
Йигитлик мавсумидек беҳжатафзо.

Бори маҳлуқ офоқ солиб қулоғин,
Ҳаводис даҳрдин тортиб аёғин.

Юмуб кўзни бори аҳли назэра,
Очуқ қолмай магар чашми ситора.

Асас ҳушин олиб тун ўғриси бил,
Жарасларға садодин боғлатиб тил.

Бўлуб итларға қуйруқ ҳалқаси тавқ,
Чиқа олмай дами ҳалқумидин фавқ.

Бир айвон кунгири фавқида бори,
Топиб ҳорис чу шакли кўкнори.

Кеча мурғи чекиб ханжар паридин,
Кесиб нойин наводин ҳар соридин.

Анго бедорлиққа қолмайин тоб,
Қилиб кўкнори кайфи мойили хоб.

Дуҳулзан кўс қоқмоқдин бўлуб суст,
Қўлини боғлаб уйқу чўбга руст.

Муаззинлар ҳам онда чекмайин ун,
Эди ташвишдин холи ҳамул тун.

Зулайхоким, лабидур шаккари ноб,
Қилиб ул кечада майли шакархоб.

Бошига такя айлаб жаъди сунбул,
Таниға бистар айлаб хирмани гул.

Юмуб кўзни чу уйқу майли қилди,
Ва лекин кўнглининг кўзи очилди.

Эшикдин бир йигит кирди баногоҳ,
Йигит йўқ, бал мужассам жони огоҳ.

Ҳумоюн пайкаредур, олами нур,
Жинон боғи аро ғоратгари ҳур.

Эрур ҳаддин фузун ҳусну жамоли,
Алардин ҳам фузун ғанжу далоли.

Бўлуб зебо қади андоқки шамшод,
Хироми бандаси юз сарви озод.

Бериб зулфиға тоб андоқки занжир,
Қилиб ҳушу хирад бандиға тадбир.

Жабинида фурўзон ламъаи нур,
Қилиб ою қуёш юзини мастур.

Муқаввас қошлари андоқки меҳроб,
Ибодат аҳли кўнглидин олиб тоб.

Рухеким, эрди моҳи буржи фирдавс,
Мақом айлаб қошидин хонаи қавс.

Мукаҳҳал наргиси зоҳир қилиб ноз,
Жигарларга мужадин новакандоз.

Ики лаъли табассумдин шакаррез,
Бўлуб сўзларда оғзи шаккаромез.

Қилиб лаъли намоён дурри тобон,
Шафақ ул навким барқи дурахшон.

Қилур чоғда даҳони кулгу изҳор,
Сурайёдин сочиб ҳар сори анвор.

Занахдон себи ғабғабдин мутаввақ,
Осилғон себидин оби муаллақ.

Юзида хол гулда мушкдин доғ,
Тутубдур ошён ё боғ аро зоғ.

Бўлуб бозуси сийм ила тавонгар,
Бели бесийм қилмонанд лоғар.

Юзига чун Зулайхо кўзи тушти,
Бўлуб маҳв ўзга ҳолатга етушти.

Жамоле кўрдиким, бошдин-оёқ нур,
На монанди пари, не мислидур ҳур.

Чу йўқтур ҳусну суратда назири,
Дилу жони била бўлди асири.

Қадидин кўнглига тушти хаёле,
Муҳаббат боғида экти ниҳоле.

Юзидин тушти ўт кўксига ул дам,
Ҳамул ўт бирла куйди сабру жон ҳам.

Чу кўрди гисуи анбарфишонин,
Онинг ҳар ториға банд этти жонин.

Қоши тоқини кўргач, қилди афғон,
Кўзидин сочти йиғлаб ҳар тараф қон.

Лабидин қилди кўнглин тунги шаккар,
Тишидин кирпикини иқди гавҳар.

Элин кўргач, юди ўздин элини,
Белига қул бўлуб боғлаб белини.

Юзида холи мушкинин чу кўрди,
Сипандосо ўзини ўтға урди.

Маалқисса, муборак сурат эрди,
Қовуб суратни ер маънига берди.

Зулайхолиқдин этти рам Зулайхо,
Ўқуб суратдин ўлди маънioро.

Ҳамул маънидин ўлса эрди огоҳ,
Топар эрди висол аҳли аро роҳ.

Вале суратға чу эрди гирифтор,
Бурун бўлмоди маънидин хабардор.

Ҳама нафсу ҳаво ёри эрурмиз-
Ки, суратлар гирифтори эрурмиз.

Агар суратда маъни очмаса юз,
Қачон очғой кўнгул сурат сори кўз?!

Чу ташна билдиким, бор кўзада сув,
Кўториб бўйнини, айлар такопў.

Чу ғарқ этса они кўза зилоли,
Хаёлидин чиқор тира сафоли.

САҲАР НАСИМИ ЗУЛАЙХОҒА ЭСИБ, ХОБИ НОЗ НАРГИСИН ОЧМОҚ ВА КЕЧА ХАЁЛИДИН ҒУНЧАДЕК КЎПГЛИ ҚОН ЮТМОҚИ ВА МУҲРИ СУКУТ ЛАБИҒА ҚЎЙМОҚ

Саҳар чун зоғи шаб парвоз қилди,
Хуруси субҳ гоҳ овоз қилди.

Навои дилкушолар чекти булбул,
Ниқоби ғунчадин очти юзин гул.

Суман шабнам суйидин ювди рухсор,
Бинафша жаъдини ҳам тор бар тор.

Зулайхо уйқу ичра ётмиш эрди,
Кўруб туш, ҳайрат ичра ботмиш эрди.

Дема уйқу, они беҳушлиғ, де,
Кеча савдосида хомушлиғ, де.

Канизаклар аёқию қўлини —
Упуб, тебратдилар соғу сўлини.

Ниқобидин юзин гул янглиғ очти,
Мукаҳҳал наргисидин уйқу қочти.

Намоён айлабон рухсори моҳин,
Боқиб ҳар сори тез этти нигоҳин...

Хамул гулрўйидин топмай нишоне,
Бўлуб дилтанг ғунчадек замоне.

Бу янглиғ истадиким: чусту чолок,
Яқосин гул масаллик айлади чок.

Ва лекин қўймайин тутти қўлин шарм,
Оёқ чекти ҳаё домониға нарм.

Тутуб пинҳон дили тангида розин,
Аён этмас эди сўзу гудозин.

Ютар эрди ниҳоли ғунчадек қон,
Вале қилмас эди розин намоён.

Лаби эл бирла машғули ҳикоят,
Вале лабдин қилиб кўнгли шикоят.

Қилиб оғзи эл оллида шакарханд,
Ва лекин юз гиреҳға хотири банд.

Улус бирла тили гарми фасона,
Кўнгулда ишқ ўтидин минг забона.

Очуқ эрди кўзи ағёр сори,
Вале пайваста кўнгли ёр сори,

Нечук қўлда қолур кўнгли иноні-
Ки, турмас кўрмайин ул дилрабони.

Жаҳонда ондин ўзга коми йўқтур,
Даме ағёр ила ороми йўқтур.

Агар сўз деса, айтур ёрға сўз,
Ва гар кўз солса, солур ёрға кўз.

Лабиға етгуси минг мартаба жон,
Кеча зулмоти бўлғунча намоён-

Ки, тундур ишқ элининг созгори,
Ҳамиша аҳли дилнинг роздори.

Эрур ушшоқ элиға пардадар кун,
Олорнинг пардадори, лек эрур тун.

Кеча келган чоғи гум қилғоли ғам,
Қадини чанг янглиғ айлабон хам.

Тутуб қўл бирла сочин ўйлаким чанг,
Ўз аҳволиға йиғлаб тузди оҳанг.

Қилиб юз нолаи жонкоҳ ҳар дам,
Тузуб оҳу фиғондин зер ила бам.

Хаёлида кўруб ёрин намоён,
Бу навъ оллида бўлди гавҳарафшон-

Ки: «Эй гавҳар, маконинг қайси кондур?
Отинг недур, еринг қайси макондур?

Олиб жонимни, номингни демассан,
Ёқиб кўнглум, мақомингни демассан.

Нечук сўрғум мақомингни кишидин,
Нишонингнию номингни кишидин?

Недур отинг сенинг, эрсанг агар шоҳ,
Қани манзил санго, эрсанг агар моҳ?

Менингдек бўлмасун ҳеч ким гирифтор-
Ки, манда бор эрур не дил, не дилдор.

Хаёлингда кўзимдин учти уйқу,
Оқар ашк ўрнига қон ўйлаким сув.

Ениб ишқинг ўтиға хаста жоним,
Танимда қолмамиш тобу тавоним.

Даме ўтимға сув урсанг не бўлғай,
Мани комим(га) еткурсанг не бўлғай?

Гули хандон эдим тоза очилғон,
Йигитлик гулшанида жилва қилғон.

Ўта олмай бошимнинг устидин бод,
Таним эрди тикан нишидин озод.

Мани бир ишвада барбод бердинг,
Тиканлар бистарим устига тердинг.

Танимда кўбдурур гулдек назокат,
Нечук айлай тикан бистарда роҳат».

Онинг тонг отғуча бу эрди ҳоли,
Мухотаб анго ёрининг хаёли.

Тонг отғоч, дафъ этарга эл ғумонин,
Юди ашки суйидин кўзи қонин.

Юзидин дарду ғам гардин супурди,
Гулосо тарру тозалиғ етурди.

Бериб бистар била болинға зийнат,
Ўғурди зоҳир айлаб шаъну шавкат.

Кеча-кундуз анго ойин бу эрди,
Шитоб андоқ эди, тамкин бу эрди.

ЗУЛАЙХОНИНГ ХОЛИ МУТАҒАЙИЙИР БЎЛҒОНИН КАНИЗ МУШОҲИДА ҚИЛҒОНИДИН ТАҲАЙЮР ТУГУНИ ТАФАККУР РИШТАСИҒА ТУШГОНИ ВА ДОЯ ИСТИФСОР БАРМОҚИ УЧИ БИРЛА ТУГУННИ УЛ РИШТАДИН ЕШГОНИ

Қачонким ишқ ёйи отса бир ўқ,
Анго тадбир қолқон ўлмоқи йўқ-

Ки, ул гар қилса ҳар ботинда хома,
Бўлур зоҳирда ондин юз нишона.

На хуш дебдур ҳакими ҳикматоро-
Ки, мушку ишқ пинҳон бўлмас асло.

Агар мушк узра солсанг парда юз қот,
Чиқор бўйи хуш онинг остидин бот.

Ниҳон сақлар эди ишқин Зулайхо,
Тўлуб андуҳу ғам бирла саропо.

Ва лекин шуълаи оҳи уруб бош,
Қилур эрди они тадриж ила фош.

Гаҳи олиб танидин ишқ ўти тоб,
Сочар эрди кўзи ҳар сори хуноб.

Оқизғон қатралар юз сори мижгон,
Қилур эрди ниҳон розин намоён.

Гаҳи тортиб кўнгуллар оташин оҳ,
Фалакка дуди оҳи элтибон роҳ.

Кўнгулдин чеккан оҳидин дамо-дам,
Кабоб бўйини онглар эрди олам.

Кеча-кундуз эди бехобу бехўрд,
Бўлуб гулгун узори лолаи зард.

Билур эрди халойиқ ҳеч бир боғ,
Аён этмайдур асло лола бедоғ.

Кўруб ушбу нишонларни муайян,
Канизаклар эди ҳайрону алкан.

Ҳама ондин кўруб ҳоли ажабни,
Ва лекин билмас эрдилар сабабни.

Бири дебким: «Йўқ, онинг мисли асло,
Бировнинг кўзи текмишдур ҳамоно».

Бировнинг бўлди бу маъни писанди-
Ки, етмишдур париларнинг газанди.

Бири дедики: «Бир пурзўр соҳир,
Онинг ҳақида қилмиш сеҳр зоҳир».

Биров дедики: «Ишқ осоридур бу,
Ғаму андуҳу кулфат боридур бу.

Агарчи кўрмамиш ҳеч кимни бедор,
Вале тушда бир офат айламиш кор».

Гумондин ҳар киши айлаб хаёле,
Улус ичра кўб эрди қилу қоле.

Бировга бўлмас эрди сирри зоҳир,
Улус сўзи ҳам ўлмас эрди охир.

Ва лекин дояе бор эрди доно,
Фусунгарлик фунуни ичра якто.

Ғами ишқ ўтиға маҳруқ бўлғон,
Гаҳи ошиқ, гаҳи маъшуқ бўлғон.

Билиб маъшуқ ошиқ ҳолини хўб,
Оларни қилғон бир-бирга масҳуб.

Зулайхо олдиға бир тун келиб шод,
Ўзи хизматларин кўп айлабон ёд.

Деди: «Эй ғунчаи бўстони шоҳи,
Юзунгдин барча гулрухлар мубоҳи.

Ҳамиша лабларинг пурханда бўлсун,
Юзингдин бахтимиз фархунда бўлсун.

Эрурсан ҳусн боғи тоза сарви,
Дили жонимдур атрофинг тазарви.

Санго сув бермиш эрди жўйборим,
Ҳамиша масканинг эрди канорим.

Ман эрдим кўрган аввалда юзунгни,
Кесиб нофингни ҳам очғон кўзунгни.

Гулоби мушк ила юдим танингни,
Дилу жон ичра қилдим масканингни.

Қимотинг пардаи жондин қилибман-
Ки, топғай роҳати қувват санго тан.

Ғизо қилдим сутимни шаккарингға,
Фидо бўлдим тани жонпарварингға.

Кеча қилдим санго бехоб хизмат,
Саҳар бердим юзингға зебу зийнат.

Агар ётсам сен оғушимда эрдинг,
Ва ғар юрсам қаён — дўшимда эрдинг.

Топибдур чун камол энди ниҳолинг,
Ҳануз этгумдурур парвои ҳолинг.

Бори ҳолатда хизматкоринг эрдим,
Ҳама хизмат аро даркоринг эрдим.

Қаён бўлса санинг сарвинг хиромон,
Изингда соядек эрдим шитобон.

Ўтурсанг доимо хизматда турдим,
Агар ётсанг ҳарасатда ўтурдим.

Ҳамул янглиғ манго ҳоло доғи кор,
Эрурман сидқи дил бирла парастор.

Сиринг мандин нега пинҳон тутарсан?
Недин ғам еб туну кун қон ютарсан?

Дегил кимдур сани бу ишга солғон?
Қилиб макру фусун ақлингни олғон?

Ҳамиша бу сифат пурғам недин сен?
Балоу дард ила ҳамдам недин сен?

Гули чеҳранг недин зард ўлди мундоқ?
Дами гарминг недин сард ўлди мундоқ?

Қуёш эрдинг, эди вақти камолинг,
Недин бевақт етмишдур заволинг?

Бир ойнинг ишқи кўнглинг айламиш жой,
Манга равшан дегул кимдур ўшал ой.

Агар офоқ аро бўлса фаришта,
Саросар нур ила зоти сиришта,

Ўқубон бир дуо сўзи ниҳондин,
Они ерга тушургум осмондин.

Ва гар офоқ аро бўлса пари ҳам,
Ўқуб ҳар дам азойим солибон дам.

Қилиб они мусаххар, келтурурман,
Қул айлаб хизматингга келтурурман.

Ва гар худ бўлса жинси одамизод,
Қилурман тез ондин хотиринг шод-

Ки, қилғумдур санинг фармонпазиринг,
На ишким истаса, қилғил замиринг.

Зулайхо кўргач ондин меҳрибонлиғ,
Фусунперолиғу афсонахонлиғ.

Демакдин рост топмай ўзга чора,
Деди кўз ёшидан сочиб ситора-

Ки: «Бас ноёб эрур ганжи умидим,
Очарға қуфлини йўқтур калидим.

Санга найлаб дей ул қушдин нишона-
Ки, анқо бирладур ҳамошёна.

Жаҳонда бордур анқонинг оти-ўқ,
Манинг пинҳон қушимдек ул доғи йўқ.

Хуш ул нокомким, гар топмаса ком,
Эшитгай гоҳ-гоҳи комидин ном.

Фироқ ичра гар ўлса талх коми,
Тилин ширин этар ул ком номи».

Бу сўздин сўнгра боқиб доя сори,
Қилиб хилват аро ҳамрозу ёри,

Ҳамул кўрган тушини айлаб изҳор,
Бузулғон ҳолидан қилди хабардор.

Эшитиб доя ондин рози пинҳон,
Ишининг чорасида бўлди ҳайрон.

Бале, ҳар не эса — нақши хаёл ул,
Силинмай асли топилмоқ маҳол ул.

Муродеким кўруб билмай замоне,
Киши найлаб талаб қилғуси они?

Оча олмай Зулайхо кўнглидин банд,
Тил очти доя охир қилғоли панд.

Деди аввал: «Кўрунмишдур санго дев
Ки, ишдур девларга макр ила рев.

Кишига кўргузурлар яхши сурат,
Олурлар ақлин айлаб макру ҳийлат».

Зулайхо деди: «Билгил, дев эрмас-
Ки, дев асло ҳамул суратға кирмас.

Таниким шўру шардиндур сиришта,
На мумкин бўлмоқи онинг фаришта».

Деди доя: «Бу сўз ёлғон эмас, чин,
Онинг учун бу ёнглиғ ўлма ғамгин».

Зулайхо деди: «Туш гар эрса то рост,
Етурмас рост аларға коҳишу кост.

Билурлар аҳли дил бу нуқтани чин-
Ки, кажлик ростларға эрмас ойин».

Деди дояки: «Бас каждур хаёлинг,
Замирингдин чиқор фикри маҳолинг».

Зулайхо деди: «Бўлса ихтиёрим,
Бўлурму эрди мундоқ кору борим?

Эмас мумкин менинг тадбири корим-
Ки, илгимдин боribдур ихтиёрим.

Ўгурмиш кўнглума бир нақши маҳкам-
Ки, маҳкам келди нақши сангдин ҳам.

Агар ел, йўқса сув ҳар неча етгай,
Ўзунг дегилки, тош нақшиға нетгай».

Кўруб доя онинг ишқини маҳкам,
Насиҳат кўплигидан урмади дам.

Атосиға деди ҳолини пинҳон,
Атоси ҳоли ҳам бўлди паришон.

Вале тадбир йўқ эрди бу ҳола,
Ишин тақдирға қилди ҳавола.

ЗУЛАЙХОНИ ИККИЛАНЧИ НАВБАТ ЮСУФНИ ТУШДА КУРГАНИ ВА ИШҚИНИНГ СИЛСИЛАСИ ҚЎЗҒОЛИБ ОНИҚ ЖУПУН ВАРТАСИДА ТОРТҒОНИ

Хуш ул дилким, они ишқ этса манзил,
Қилур олам ишидин они ғофил.

Дурахшон барқ ҳар дам онда чоқғой-
Ки, ҳирмон сабр ила ҳушиға ёқғой.

Топилмас онда андуҳи саломат,
Бўлуб бир коҳча кўҳи маломат.

Маломат чеккуси ондоққи бода-
Ки, ондин бўлғуси ишқи зиёда.

Зулайхо тортибон бир йилғача ғам,
Бўлуб бадри — ҳилол, ондин доғи кам.

Ҳилолосо букуб қаддини бир тун,
Тўкуб ашкини ҳар дам тортибон ун.

Дер эрди: «Эй фалак, нетдим санго ман-
Ки, солдинг ҳажр шомиға мани сан?!

Қадим ёдек хам айлаб бебаҳона,
Маломат ўқиға қилдинг нишона.

Бериб бир саркаш илгига иноним,
Жафоси бирла қилдинг қасди жоним.

Солиб бошимға зулмоти шаби ғам,
Манга кўргузмос ўзни уйқуда ҳам.

Чу уйғоқлиқ аро эрмас қариним,
Тушимда доғи бўлмас ҳамнишиним.

Ёруғ толеъ нишонидур ул уйқу-
Ки, онда кўргомен ул ойни ўтру.

Кўзум қилмайдурур уйқулоб ором,
Берурмен бахтим уйқусин анго вом-

Ки, то бахтим бўлиб бир лаҳза бедор,
Ўзин кўргузгай уйқу ичра дилдор».

Бу сўзларни дебон ул тун ниҳони,
Етиб андуҳдин оғзиға жони.

Баногаҳ кўзига майл этти уйқу,
Дема уйқу, дегил беҳушлиғ бу.

Ҳануз осуда бўлмай жисму жони,
Эшикдин дилбари кирди равони.

Ҳамул сурат била бўлди намоён-
Ки, аввал олмиш эрди жисмидин жон.

Очиб гулдек узориға кўзини,
Оёқиға онинг солди ўзини.

Ўпуб ер деди: «Эй сарви гул андом,
Дилу жонимдин олдинг сабру ором.

Худойи оламу офоқ ҳаққи,
Сани халқ айлагон халлоқ ҳаққи-

Ки, ҳуси аҳли аро айлаб сани шоҳ,
Санго лутф айлади ҳаддин фузун жоҳ.

Қадингни нахли боғи жон яратди,
Лабингни чашмаи ҳайвон яратди.

Юзунг шамъини қилди дилситоним,
Онго парвонадек куйдурди жоним.

Ики зулфини айлаб дом монанд,
Ҳазин кўнглум қушин қилди анго банд.

Белинг фикри била кетти мадорим,
Лабинг шавқида олди йўқу борим-

Ки, ҳолимға тараҳҳум айла изҳор,
Жавобимға лабингни қил шакарбор.

Дегилким сен қаю ерда маконинг,
Надур аслинг, нечукдур хонадонинг?

Қаю коннинг дурахшон гавҳарисен?
Қаю тахт узра хўблар сарварисен?»

Деди: «Одам нажодидин эрурман,
Аносирдин мураккабдур манго тан.

Дегунгдур: Ман санго бўлмишман ошиқ,
Агар эрсанг бу даъво узра содиқ.

Туриб меҳру вафо шартида маҳкам,
Ема бежуфтликдин заррае гам.

Киши оғзиға берма шаккарингни,
Етурма мисқабиға гавҳарингни.

Агар ишқимдин ўлса санда доғе,
Бил, ондин манда ҳам йўқтур фарофе.

Манинг кўнглум доғи бўлмиш санго банд,
Ҳазин жоним ғами ишқингға хурсанд»,

Зулайхо кўрди чун ул меҳрибонлиғ,
Эшитди лаълидин бу нуктаронлиғ.

Париға учраған девоналардек,
Йўлуқған шуълаға парвоналардек,

Қочиб уйқусию сачроб турди,
Тушуб жону дилига тоб турди.

Бўлуб кўнгли ғаму дарди зиёда,
Фиғони дардпарварди зиёда.

Бўлуб ҳаддин фузун савдоси онинг,
Ниҳоятда узун ғавғоси онинг.

Либоси офиятдин ори ўлди,
Улуснинг панди бандидин қутулди.

Қилиб ҳар лаҳзада жон жайбини чок,
Танин айлар эди оғуштаи хок.

Гаҳи йиртор эди гулдек юзини,
Гаҳи суртор эди ерга кўзини.

Хадам аҳли бўлуб ондин хабардор,
Ўтурди теграсида ҳалқа кирдор.

Гар этса ҳифзида ул ҳалқа тақсир,
Қочар эрди чиқиб ул навъким тир.

Ва гар тутмас эса ул ҳалқа домон,
Бўлур эрди қочиб сарви хиромон.

Ва гар банд этмаса ҳам кеча-кундуз,
Қўяр эрди қочиб бозорға юз.

Бу ҳолатдин атоси бўлғоч огоҳ,
Анго ҳуш аҳлидин бўлди давохоҳ.

Ҳама фикр айлабон юз навъ тадбир,
Дедилар барча: «Лойиқ банди занжир».

Буюрдиларки, зардин бир узун мор,
Қилиб ҳар муҳрасин лаъли гуҳарбор.

Етурдилар онинг соқиға они-
Ки, улдур ганж, бу — онинг йилони.

Зулайхо ҳусн ганжи эрди, оре,
Бўлур ҳар ганжнинг устида море.

Чу заррин мор онинг ганжиға кирди,
Кўзидин оқизуб ашкин, дер эрди:

«Танимда ишқ банди мўй бар мў,
Манго ул банд, оё, бас эмасму?

Нединдурким, сипеҳри умрфарсой,
Мани бу банд ила айлар гаронпой.

Манго худ ҳеч қувват қолмамишдур,
Қадам урмоқға қудрат қолмамишдур.

Бу оғир банд оёқимда нединдур?
Онинг озори соқимда нединдур?

Бўлубдур сарви нози пой дар гил,
Анго тебранмак ўлмиш асру мушкил.

На эркон боғбонға мунда тадбир-
Ки, сувдин ҳам солур соқиға занжир.

Ҳамул дилбар оёқиға керак банд-
Ки, ақлим олди айлаб бир шакарханд.

Даме кўзда муқим этмас ўзини-
Ки, то тўйғунча кўргойман юзини.

Ўтуб мандин нечукким барқи рахшон,
Қилур оҳимни ҳар дам оташафшон.

Агар қилса мадад бахти баландим,
Оёқиға онинг солиб бу бандим.

Солой комимча ҳусниға нигоҳим,
Юзидин ёрутай рўзи сиёҳим.

Ғалат дерманки, ёри нозпарвард-
Ки, гар етса оёқи остиға гард.

Тушар жоним бошиға дард тоғи,
Кетар айшу нишот осори доғи.

Қачон ул ишга тузгайман мани зор-
Ки, соқиға етгургай банди озор.

Менинг жонимға ўқ ёғғуси минг йўл,
Етурса бир тикан домониға қўл».

Кетургач бўйла сўзларни забонға,
Бириси ногаҳон тегди нишонға.

Онинг захми онингдек кор қилди-
Ки, ерга сайди бисмилдек йиқилди.

Замоне ақлу ҳушини қочурди,
Яна ўз ҳолиға келдию турди.

Топа олмай дили девонасини,
Яна бошлади ул афсонасини.

Гаҳи гирён бўлур ҳам гаҳ хандон,
Берур эрди гаҳи жон, гаҳ топиб жон.

Бўлур эрди фузун ҳар дам малоли,
Эди бир йилғача бу навъ ҳоли.

УЧИНЧИ НАВВАТ ЮСУФНИ ЗУЛАЙХОНИНГ ТУШДА КЎРГОНИ ОНИНГ ОТИ ВА МАҚОМИН ВИЛГОНИ ВА АҚЛУ ҲУШИҒА КЕЛГОНИНИНГ БАЁНИ

Мудом, эй ишқ, ишинг афсуну найранг-
Ки, изҳор айлагунг гаҳ сулҳу, гаҳ жанг.

Ғаҳи фарзонани девона қилғунг,
Ғаҳи девонани фарзона қилғунг.

Парилар зулфиға солсанг агар банд,
Жунун занжириға тушгай хирадманд.

Ҳам ондин бандни очсанг агар сан,
Бўлур ондин чароғи ақл равшан.

Зулайхо ҳар кеча бесабру беҳуш,
Бўлуб андуҳу меҳнатға ҳамоғуш.

Дамодам нўш айлаб дард жомин,
Йўқ этти сабру ҳушининг тамомин.

Сочининг тобини чекти лачакдин,
Ичининг ўтини сочти юракдин.

Қадининг сарвин этти саждага хам,
Ер узра қўйди гулдек оразин ҳам.

Кўзидин ер уза ҳар дам тўкуб ёш,
Замоне хушзабонлиғ айлади фош.

Бўлуб кўнгли ғамидин ғуссапардоз,
Бу қисса қилди ўз ёриға оғоз-

Ки: «Эй олғон менинг ҳушу қарорим,
Паришондур ғамингда рўзгорим.

Бериб ғам, қилмадинг ғамхорлиғ ҳеч,
Олиб дил, қилмадинг дилдорлиғ ҳеч.

Отингни билмагум, эй дилситоним-
Ки, то қилсам они вирди забоним.

Ишим комим била эрди шакарханд,
Танимда най киби ҳоло неча банд.

Ғамингдин, баски ичдим ғунчадек қон,
Гулосо пардадин чиқтим намоён.

Демон, мандурман оллингда азизинг,
Эрурмен ожизу камтар канизинг.

На бўлғай бу канизинг шод қилсанг,
Даме ғам бандидин озод қилсанг.

Бир одам йўқтурур асло манингдек-
Ки, бўлғай халқ аро расво манингдек.

Онамнинг кўнгли мандиндур басе танг,
Отамға доғи мандин етгуси нанг.

Хадам аҳли қилиб мандин жудолиғ,
Бажуз ғам, кимса қилмас ошнолиғ.

Манингдек хасға ўт урғунг дамодам-
Ки, бу ҳолимға куймас бир киши ҳам».

Хитоби эрди дилдориға ушбу-
Ки, етти кўзига ногоҳ уйқу.

Кўзига уйқу чун кирди саросар,
Тушида ёри бўлди жилвагустар.

Онингдек шакл бирла бўлди ҳозир-
Ки, таърифидадур юз ақл қосир.

Қўл ила тутти домонини маҳкам,
Оёқиға уруб бош, деди ул дам-

Ки: «Эй ишқинг аро андуҳу қайғу,
Кўзу кўнглумдин олмиш сабру уйқу.

Худо ҳаққи, сани айлаб сарафроз,
Бори ҳусн аҳли ичра қилди мумтоз-

Ки, андуҳим манинг кўтоҳ қилғил,
Оту шаҳринг недур, огоҳ қилғил».

Деди: «Билгил, Азизи Мисрдурман,
Манго ҳам Миср мулки келди маскан.

Эрурман Миср шоҳи лутфиға хос,
Азиз этти мани иқболу ихлос».

Зулайхо ёридин топти нишона,
Ўлук жисми аро жон келди ёна.

Дегач ёри чучук сўз ўйлаким нўш,
Таниға етти қувват, бошиға — ҳуш.

Ҳамул уйқудин ўлди тез бедор,
Етиб мажнун ва лекин турди ҳушёр.

Кам ўлди асру фарёду хуруши,
Бурунғидек кўп ўлди ақлу ҳуши.

Канизакларға боқиб қилди овоз-
Ки: «Эй бўлғон манго меҳнатда дамсоз.

Отам бу мужда бирла айлангиз шод,
Қилинг кўнглин ғаму меҳнатдин озод-

Ки, ақлу ҳушу сабрим келди ёна,
Яна сув бўлди жўйимға равона.

Оёқимдин олинг занжири сиймим-
Ки, йўқ эмди жунундин ҳеч бимим».

Атосиға чу ушбу мужда етти,
Камоли шодлиғидин ҳуши кетти.

Бурун ўзни маломатдин чиқориб,
Сўнг ул сарви сиҳи ёниға бориб,

Топиб соҳибхирад ул сиймбарни,
Оёқидин кўтарди банди зарни.

Ҳамул тахт узра миндурдилар они,
Бошиға тож қўйдилар равони.

Парирухлар қошиға бўлдилар жамъ,
Ҳама парвона, ул — бир ёруқ шамъ.

Алар бирла тузуб суҳбат, бўлуб шод,
Қилур эрди кўнгуллар мулкин обод.

Этар эрди очиб дуржи фасоҳат,
Вилоятлардин оғози ҳикоят.

Дер эрди Руму Шом аҳволини тез,
Деганда Миср ўлур эрди шакарриз.

Дер әрди Миср халқининг сифотин
Ки, то тутғой Аэизи Миср отин.

Бу от онинг тилида айлагач жо,
Тушар әрди оёқдин сояосо.

Равон ашкин қилиб ҳомун сориға,
Чекар әрди фиғон гардун сориға.

Туну кун мундоқ әрди кору бори,
Тили зикри әди ёри диёри.

Бу сўзни гар деса айлар әди жўш,
Йўқ әрса сўздин ўлғай әрди хомуш.

МИСР ЎЗГА АТРОФ ПОДШОҲЛАРИДИН ЗУЛАЙХОНИНГ ХОСТКОРЛИКИҒА РАСУЛ ВА ЭЛЧИ КЕЛМАКИ ВА ЗУЛАЙХО ЛАРНИНГ НАВМИДЛИГИДИН ТАНГДИЛ ВА ПАРИШОН БЎЛМОҚИ

Зулайхо әрди ишқ ошуфтаҳоли,
Бориб ҳар ён вале сайти жамоли.

Эшитиб ҳар киши васфини, ночор —
Бўлур әрди анго зору гирифтор.

Эди ҳар бошда юз савдоси онинг,
Шаҳаншаҳлар аро ғавғоси онинг.

Жамики шаҳриларнинг шаҳриёри,
Бўлур әрдилар онинг хосткори.

Бу фурсатдаки, қайдидин қутулди,
Жунундин айрилиб ҳушёр бўлди.

Келиб шаҳлардин әлчилар дамо-дам,
Амири Руму шоҳи Шомдин ҳам.

Бориб айлаб онинг васлин ирода,
Ададда әрдилар ўндин зиёда.

Бири илгида маншури вилоят,
Бирининг илгида меҳри нёлат-

Ки, ҳар бир туҳфа — кишвариcтоне,
Талаб васлини қилмоқға нишоне.

Қабул ўлса анга ҳар жо ҳавоси,
Бўлур юз тож онинг тахти фидоси.

Қаю кишварки бўлса жилвагоҳи,
Бўлур дайҳиму афсар хоки роҳи.

Агар Шом ичра ойдек тутса ором,
Дуосин айлагайлар субҳ то шом.

Агар худ Рум сори қилса оҳанг,
Ғуломи бўлғай онинг Рум то Занг.

Бу дастур ила ҳар қосид паёме,
Дер эрди ўз шаҳидин ҳам саломе.

Бу маънидин хабар топти Зулайхо,
Таниға тушти раъша зарраосо-

Ки: «Оё, борму қосид Мисрдин ҳам-
Ки, халқи ишқи қилмиш қоматим хам.

Эрурман Миср аҳли сори мойил-
Ки, ондин бўлмаса қосид на ҳосил?

Насиме Мисрдин ногоҳ келса,
Кўзумга Миср гардин сурма қилса.

Ҳамул елдин манго хушроқдур асру-
Ки, келтиргай Хўтандин бўйи оҳу.

Бу андиша аро эрди туну кун,
Атоси чоқириб олдиға бир тун.

Дедикими «Эй кўзумнинг пок нури,
Танимнинг қуввати, кўнглум сурури.

Жаҳон кишварларидин подшоҳлар,
Мурассаъмаснаду зарринкулоҳлар,

Эшитиб қиссаи ҳусни жамолинг,
Қилиб ҳар бири уммиди висолинг.

Расуле айламиш олдимға марсул,
Манга бўлмоқ учун фарзанди мақбул.

Дегойман ҳар бирининг достонин,
Қилиб оллингда авсофи баёнин.

Қаю кишвар сориға бўлса майлинг,
Сани — шаҳ айлагум, ул элни — хайлинг».

Атоси сўзиға тутти қулоқин,
Солиб кўнглига бори иштиёқин.

Анго шаҳларни деди, кишварин ҳам,
Ва лекин Миср элидин урмади дам.

Зулайхо билдиким Миср аҳли боре,
Онинг бўлмайдур асло хостгори.

Атоси олдидин навмед турди,
Ҳазин ондоқки шохи бед турди.

Ғаму андуҳ заҳрини ер эрди,
Кўзидин қон тўкуб, мундоқ дер эрди-

Ки: «Ҳаргиз туғмағой эрдим анодин.
Адамдур яхшироқ ушбу бақодин.

Била олмон, нечук бахти қароман-
Ки, бир дам бўлмадим ғамдин жудо ман.

Қачон дарёдин олса абр агар сув,
Тўкор ҳар ташналабга келса ўтру.

Чу устимдин агар тушса анго йўл,
Ҳамул сув ўрниға ўт ёғдурур ул.

Нединдур билмадим, эй чархи вожун,
Мани қилдинг шафақдек ғарқаи хун.

Манга йўл бермасанг гар ёр сори,
Йироқ ондин бу янглиғ қилма боре.

Тиларсан ўлмагим гар, ўлдим инак,
Чекиб жаврингни туфроқ бўлдим инак.

Гар истарсан манго ранж ичра бўлмоғ,
Қўюбсен бошим узра ранждин тоғ.

Бўлур бир коҳ кўҳ остида токай?
Чекиб ул кўҳ борини паё-пай.

Таним захмингдин ўлмиш неча равзан,
Еридур бир тараҳҳум айласанг сан

Бўлай мен шод ё ғамгин, санго на?
Агар мен талх, агар ширин, санго на?

Ким ўлдим мен, на бўлғай бу вужудим,
Баробардур менинг буду набудим.

Манго юз хирмон ар куйса саропо,
Санго бир жавча ҳосил йўқтур асло.

Неча минг тоза гул гулбундин олдинг,
Улумнинг доғи бирла ўтға солдинг.

Қачон хотирпаришон ўлғосен сан,
Агар бўлсам олорнинг бириси ман».

Ҳамул кун кечгача тортиб фиғонлар,
Ютуб ғунча киби ҳар лаҳза қонлар.

Тўкор эрди дамо-дам кўз ёшини,
Урар эрди қаро ерга бошини.

Атоси билди чун онинг бу ҳолин,
Азизи Миср савдоси хаёлин.

Қилиб бахшиш бори қосидға хилъат,
Бу янглиғ узр ила берди ижозат-

Ки: Элга тил қизим ҳаққида боғлиғ,
Азизи Мисрга бордур адоғлиғ.

Хирадманд эл аро бир рост йўлдур-
Ки, айтурларки. қўл аввалғи қўлдур.

Жаҳонда мундин ортуқроқ масал йўқ-
Ки, дерлар: илгари қўлға бадал йўқ.

Бори қосид бўлуб бу сўздин огоҳ,
Ҳама навмид бўлди озими роҳ.

ЗУЛАЙХОНИНГ АТОСИ МИСР АЗИЗИ ТАРАФИҒА ҚОСИД ЙИБАРМАКИ ВА ЗУЛАЙХОНИНГ АНГА АРЗ ЭТМАГИ ВА АТОСИНИНГ АРЗИН ҚАВУЛ ЭТМАГИ

Зулайхо кўнгли эрди сар-басар доғ,
Ғами навмидлиғ эрди ҳар доғ.

Бўлур оқ ҳар қаро кун гоҳ-гоҳи,
Магар навмидлиғ рўзи сиёҳи.

Отоси чун они дармонда кўрди,
Иложи хаста жонин онда кўрди-

Ки, ирсол айлагай бир покрое
Азизи Мисрдин истаб давое.

Они пайғом ила хурсанд қилғай,
Зулайхони анга пайванд қилғай.

Бирин махсусларни қилди таъйин-
Ки, эрди ҳушманду донишойин.

Бериб туҳфа анга ганжу, зару мол,
Азизи Миср сори қилди ирсол.

Паё-пай деди: «Комидур эамона,
Нега ўпгуси хоки остона.

Бўлуб афзун санга иқболу давлат,
Азиз ўлғил жаҳонда то қиёмат.

Манга бор турфа фарзанди дил орой-
Ки, ҳусни бандаси хуршид ила ой.

Топа олмой ой ониинг поясини,
Кўра олмой қуёш ҳам соясини.

Садаф ичра гуҳардин софтанроқ,
Шарафда меҳрдин партавфиганроқ.

Юзин ёпиб қилур ойға назора-
Ки, они кўрмагай чашми ситора.

Юзидин ғайри кўзгу кўз ёрутмай,
Бажуз шона биров сочини тутмай.

Эмастур ғайр зулфиға муяссар-
Ки, хоки пойиға қўйғай гаҳи сар.

Ҳарам саҳнида гар бўлса хиромон,
Ўпа олмас оёқин ғайри домон.

Кафи машшота тутмай ғабғабини,
Ўпа олмай шакар ширин лабини.

Эгак чекмишдурур гулдин жамоли-
Ки, бўлғой пок этаклик бирла олий.

Қочиб наргис кўзидин ёпти рухсор-
Ки, наргис хирачашму ҳам қадаҳхор.

Ою кун партавида юргуси кам-
Ки, соя бўлмагай ҳамроҳи бир дам.

Оёқи сув бошиға кам етушгай-
Ки, аксининг кўзи юзига тушгай.

Эрур бурқаъ ичи маъвоси онинг,
Ва лекин бошда юз ғавғоси онинг.

Ҳама шаҳлар ҳавохоҳи эрурлар,
Туну кун озими роҳи эрурлар.

Ҳудуди Румдин то сарҳади Шом,
Ҳама шавқидадур бесабру ором.

Вале ҳар кимга индурмас бош ул ой,
Ҳавоси Миср тутмиш кўнглида жой.

Замоне кўнгли эрмас мойили Рум,
Тутар ҳам Шом обу хокини шум.

Кўзидур Миср йўлининг сабили,
Сиришки сели онинг руди Нили.

Нединдур майли билмон ул тарафга,
Ким эркон боис ўлгон бу шаафга.

Онинг туфроғидиндур кўю зоти,
Ёзилмиш онда ризқининг бароти.

Қабул этса они гар раъйи олий,
Юборгум ул ҳаволи сори ҳоли.

Агар лойиқ эмас бўлмоқга бону,
Супургай рўй олиб қўлга супургу.

Азизи Миср чун бу сўз эшитти,
Кулоҳи фахри чарх авжига етти.

Тавозеъ кўргузуб дедики: «Оё,
Ким ўлдим менки, қилгум бу тақозо?

Вале ердин кўтарди чун мани шоҳ,
Нетонг гирдига чиқсам ўйлаким моҳ.

Мен ул туфроқменким, абри найсон
Карамдин ёгдурур устимга борон.

Кўкарса гар танимдин сабзадек тил,
Бу лутфи шукрин айта олмагум бил.

Бу эҳсонким манга шаҳ қилмиш изҳор,
Эрур вожибки бўлса бахт агар ёр.

Бошу кўзимдин айлаб пои наълайн,
Югурсам ул тараф «бирраъси валъайн».[1]

Ва лекин подшоҳи Миср авранг,
Буюруб хизмате бўлмиш басе танг-

Ки, гар қилсам жудолиг бир дам ондин,
Таним оюргуси тиг ила жондин.

Бу хизмат домани маъзур тутсун,
Гумони кибрдин маҳжур тутсун.

Агар деса, қилай даргоҳи сори —
Равона икки юз заррин имори.

Неча юз минг канизи ҳур талъат,
Неча юз минг ғуломи сарв қомат.

Ғулом андоққи ҳусни моҳи тобон,
Мусаффолиғда рашкафзойи ғилмон.

Борининг оғзи ширину шакарханд,
Дуру зардин ҳама қулға камарбанд.

Кийиб заррин кулоҳу жома бори,
Музайян от уза бўлған сувори.

Канизаклар ҳама монандаи ҳур,
Қуёш янглиғ сочиб рухсоридин нур.

Муанбар турралар гул узра сочғон,
Муқаввас тоқлар ой узра очғон.

Зару гавҳардин осғон бошға зевар,
Борининг жилвагоҳи ҳавдажи зар.

Каёсат аҳлидин ким бўлса лойиқ,
Раёсат хайлидин ким бўлса фойиқ —

Йиборгумдур жаноби муҳтарамға-
Ки, келтургайлар ойни бу ҳарамға».

Эшитгач қосиди доно бу сўзни,
Деди мундоқ қўюб ер узра юзни-

Ки: «Эй Миср ўлди сендин ишрат обод,
Эрур Миср аҳли эҳсонинг била шод.

Керакмас хайли лашкар шоҳимизға,
Канизу, зебу зевар шоҳимизға.

Ғуломи келди ҳадди сондин афзун,
Канизи ҳам ададда ондин афзун.

Сочилғон илкидин дурри дурахшон,
Ададда ўйлаким реги биёбон.

Қабули хотиринг эрди муроди,
Вусули нисбатинг фикрию ёди.

Қабулингга қизиким топти исол,
Муносиб расм ила тез айлар ирсол.

ҚАБУЛ НАСИМИ МИСР ТАРАФИДИН ЭСМАРИ ВА ЗУЛАЙХО МАХМИЛИН ИМОРИСИН УЧУРГОНДЕК МИСРГА ТОРТГОНИ

Етушти Мисрдин чун ул хирадманд-
Ки, то очғай Зулайхо жонидин банд.

Азиз оллидин ондоқ сўз кетурди-
Ки, ондин жонига роҳат етурди.

Гули бахти очилмоқ қилди оғоз,
Ҳумои давлати кўргузди парвоз.

Иши тушдин бағоят эрди мушкил,
Хаёл ила кушойиш қилди ҳосил.

Бале, етса нишоте ё малоле,
Тушидур олам ичра ё хаёле.

Хуш улким, ўтти бу гирдобдин тез-
Ки, яъни бу хаёлу хобдин тез.

Зулайхони отоси кўрди чун шод,
Тўй асбобин тузорни қилди ижод.

Муҳайё қилди айларга арусе,
Неча минг лўъбати румию руси.

Ҳама писта даҳону норпистон,
Узорин гулситони бар гулистон.

Баногўшида иқди дурру гавҳар,
Қулоқдин то қулоқ дарёи зевар.

Эрур барги гулосо поку тоза,
Боринниг юзлари беранги ғоза.